



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (12.347)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 февраль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг Европа ва Евроосиё бўйича қуйи кўмитаси раиси Дэйна Рорабахер ҳамда конгрессменлар Пол Кук, Тед По ва Брайан Хиггинсдан иборат делегацияни қабул қилди.**

Америкалик қонун чиқарувчилар гуруҳи мамлакатларимиз парламентарийлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар доирасида Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Конгресси делегацияси аъзоларини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, айни вақтда мамлакатларимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларни қамраган ҳамда миллий манфаатлар инobatга олинган, муштарак вазифаларни бажаришга қаратилган истиқболли икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади.

Томонлар давлатлараро миқёсда ва икки мамлакат ишбилармонлари доирасида узок муддатли Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдор эканликларини қайд этиб, ҳамкорликнинг устувор йўналиш-

лари, илғор технологиялар ва мавжуд ресурсларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Конгрессменлар самимий қабул ҳамда икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни конструктив руҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Учрашувда узок муддатли ва барқарор ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш икки давлат ва халқларимизнинг туб манфаатларига мос келиши таъкидланди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш борасида кўрсатаётган ёрдами АҚШ томонидан юксак қадрлигини қайд этдилар. (ЎЗА)

## ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АСРАШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ АМЕРИКАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

**Яқинда Нью-Йоркда анъанавий «Global Family Policy Forum 2013» халқаро анжумани бўлиб ўтди. Замонавий даврда оилавий қадриятларни ҳимоя қилиш ва асраб-авайлаш мавзусига бағишланган ушбу анжуман Американинг «Family Watch International» ташкилоти ташаббускорлигида ташкил этилади. Ҳар йили ўтказиладиган ушбу халқаро тадбирда Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар.**

Анъанага кўра, бу йил ҳам тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг дипломатия миссиялари, халқаро ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, ижтимоий масалалар билан шугулланувчи тадқиқот институтлари ва марказларнинг экспертлари ҳозир бўлишди.

«Global Family Policy Forum 2013» анжумани доирасида Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузурдаги доимий ваколатхонаси томонидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда оила институтини қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларнинг муносиб ҳаёт тарзи учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ва жамоатчилик даражасида олиб борилаётган иш-хотлар мавзусидаги тақдимот ўтказилди.

Маросим қатнашчилари Ўзбекистонда 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили», деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган Давлат дастурининг мазмун-моҳияти билан атрофлича

танишдилар. Тадбир чоғида қайд этилганидек, жуда катта миқдордаги маблағ йўналтирилган мазкур дастурга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий заминни такомиллаштириш, ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, жамиятда маҳалла ва ўзини-ўзи бошқариш идораларининг ўрни ва аҳамиятини юксалтириш, тадбиркор аёлларга кредит ва грантлар бериш, оилани, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ва мажмууви ишлар олиб борилади.

Тадбирда жамиятнинг муҳим институтларидан бири бўлмиш оила инсоний қадриятлар, маданият ва тарихий хотира ўчоғи, барқарорлик ва тараққиёт омилли ҳисобланмиш ҳам алоҳида таъкидланди. Шу ўринда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг кўп қиррали фаолияти, жамғарма томонидан олиб борилаётган кенг миқёсли лойиҳалар ва ташаббуслар,

жумладан, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, оилавий қадриятларни асраб-авайлашга қаратилган ишлар тўғрисидаги атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

2012 йили Форум жамғармаси томонидан «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Меҳр нури» жамғармаси ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча вилоятларида муваффақиятли тарзда амалга оширилган «1000 та тўй» лойиҳаси ҳақидаги ахборотлар ҳам анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот маросимидан орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, «Family Watch International» ташкилотининг президенти Ш. Слэйтер Ўзбекистонда мазкур соҳада тўпланган тажриба дунёнинг қўллаб-қувватлари учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкинлигини айтди. (Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига муҳим эътибор қаратилиши ишбилармон ва тадбиркорлар учун катта имтиёзлар ва имкониятлар яратмоқда. Шу билан бир қаторда барча ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, янгидан-янги ишлаб чиқариш объектларининг ишга туширилишига, янги турдаги истеъмол товарларининг ишлаб чиқарилишига имкон туғдирмоқда.**

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик СИФАТЛИ МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ЮҚОРИ

Натижада кичик бизнес соҳаси вакиллари ва хусусий тадбиркорлар иқтисодийимиз ривожланиши йўлидаги аҳолини иш билан таъминлаш, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш каби юмушларда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес субъектлари томонидан мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг деярли ярми ишлаб чиқарилапти. Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда Юнусобод туманида фаолият юритаётган «Tadbir» корхонаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Корхонада аҳолида талаб ва эҳтиёж катта бўлган сифатли трикотаж кийим-кечаклари — футболкалар, майкалар, свитерлар ва кўплаб шу хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

— Корхонамиз фаолияти эндигина бошланган вақтда 6-7 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлсак, — дейди «Tadbir» МЧЖ раҳбари Акмал Акбаров, — бугунги кунга келиб катталар

ва болалар учун 40 турдаги маҳсулотларни тайёрлаб мижозларга етказиб бермоқдамиз.

«Tadbir» МЧЖда тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати ва экология талабларига тўла мослиги ҳамда рақобатбардорлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Ҳозирда корхонада 30 нафар ходим фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг аксариятини яқин маҳаллаларда яшовчи ёшлар ташкил этади. Ишлаш ниятида бўлган, лекин бу соҳадан беҳабар қизлар учун «Устоз-шоғирд» анъаналари асосида дарслар ўтказилиб ишга қабул қилинади. Маҳоратли мутахассис Хотира Юсупова қизлар учун тикувчиликнинг барча сир-асрорларини ўргатишда кучларини аямаядилар. Эндиликда Барно Аскарлова, Мухтабар Маҳмудова ва бошқа шоғирд қизлар тўплаган бор билимларини ишлатиб дастгоҳлар билан бемалол «тиллашмоқ»далар.

**Фаррух БАХРОМОВ**  
Ҳаким Солиҳов олган сурат



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан барча туман ва шаҳарларда «Саломатлик ҳафталиги» тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар доирасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари ҳамда Она ва бола скрининг маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳудудий бўлимлари шифокорларидан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

• Урганч тиббиёт коллежида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Мустақкам оила — обод турмуш гарови» мавзусида семинар ўтказилди.

• Сирдарё вилоятида ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, саломатлигини мустақкамлаш масалаларига устувор аҳамият берилаётганлиги ҳақида сўз борди. Тадбирда турли касалликлар ҳамда гиёҳвандликка қарши курашда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, шунингдек, бу борада олмавий ахборот воситаларининг таъсирини кучайтириш масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ахборот-реферат марказида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистондаги шаҳарлар ва туманлар бўлимлари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

• Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида амалга оширилган бир нечта террорчилик ҳаракатлари натижасида камида 26 киши ҳалок бўлди, 100 дан ортик аҳоли тан жароҳатлари олди. Бунга Бағдоднинг бир нечта мавзеларида миналаштирилган автомобилларнинг портлатилиши сабаб бўлди. Портлашлар бозорлар ва савдо нуқталари атрофида содир этилганлиги боис кўпчилик жабрланди. Ҳозирча мамлакатда ҳаракат қилаётган бирорта ҳам террорчилик гуруҳлари ушбу қабиҳ хунрезликни ўз бўйниларига олганлари йўқ.

• Венесуэла етакчиси Уго Чавес рақобатлиги бўйича амалга оширилган навбатдаги операциядан сўнг Кубадан ўз ватанига қайтмоқда.

• Жеймс Кэмероннинг «Титаник» фильмининг ашаддий муҳлиси ҳисобланмиш австралиялик миллиардер Клайв Пальмер ушбу машҳур сайёҳлик кемаси аниқ нусхасини тайёрлашга буюртма берди. Бу борада 600 нафар меҳмонлар иштирокида Макаода ўтказилган тақдимот маросимида Пальмер ушбу кема Хитойнинг CSC Jinling давлат компанияси томонидан қурилишини маълум қилди.

## ҚИСҚА САТРАПДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги барча маҳаллаларда «Обод

турмуш йили» муносабати билан оммавий ҳашар уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университети ҳузурдаги 5-

сонли академик лицейда «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Журжоний» маҳалла гузарида «Истиқ-

лол йилларида маҳалла институтини амалдаги қонунчилик ва уни янада такомиллаштириш масалалари» мавзусида тадбир ўтказилди.



**Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақриуви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуроли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мuddатли ҳарбий хизматга қақрилувчиларни армияга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

**АРМИЯДА МАРД ЙИГИТЛАР ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуроли Кучлар фахрийлари, қақрилувчиларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник В.Тўхтаев, ота-оналар номидан сўзга чиққан С.Олимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуроли Кучларимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар мuddатли ҳарбий хизматчиларини оширишга ва мамлакатимиз мудофаа кудратини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, мuddатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби тақомиллаштирилди ва бу мuddат бир йил этиб белгиланди. Мuddатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани Қуроли Кучлар шахсий таркибини тўлдиришни

сифат жиҳатдан яхшилаш имконини бермоқда. Миллий армиямиз йилдан йилга тақомиллашиб, жанговар шайлиги ва техник таъминоти мустаҳкамланмоқда, нуфузи ортмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати юксалмоқда.

Бугунги кунда Ватанга хизмат қилиш ҳар бир йигит учун катта шараф ва масъулиятли ишдир. Ҳар ким ўзига билдирилган ишонччи оқлаши, ҳарбий хизматни намунали ўташи

— Ешлигимдан ҳарбий бўлиш, ҳақиқий эркаклар сафида Ватанимни ҳимоя қилиш орзуси билан яшардим, — дейди қақрилувчи А.Асатов. — Давлатимиз раҳбаридан бугунги тинч осуда ҳаёт учун беҳад миннатдоримиз. Армияда хизмат қилишга, саралаш танловига астойдил тайёргарлик кўрдим. Муваффақиятли ўқиш ва спорт машғулотларини бир вақтда олиб боришга интилдим. Буларнинг барчаси танловда қўл келди, чунки саралаш жараёнида нафақат жисмо-

ний чиниқлишни намоиш этиш, балки асосий умумтаълим фанлари бўйича тестлардан ўтиш ҳам керак. Танловдан муваффақиятли ўтганидан хурсандман. Мақсади — намунали аскар бўлиб, муносиб хизмат қилиш, ҳарбий касбларни пухта эгаллаш.

— Ўғлимиз оиламизнинг ҳарбий аъналарини давом эттиришга қарор қилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртининг «Ҳарбий психология» кафедраси бошлиғи, подполковник А.Қиличев. — Ешлик чоғидан у ҳарбий кийим кийган одамлар орасида ўсди ва уларга ўхшашни орзу қилди. Мана, бугун ўз мақсадига етди. Президентимиз Ислам Каримовдан фарзандларимизга армияда яратилган шарт-шароитлар учун чексиз миннатдоримиз. Миллий армия ёшларимиз учун чинакам ҳаёт мактабига айланди. Ўғлим Ватан ҳимоясига ўз ҳиссасини қўшишидан фахрланаман.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида барча шароит яратилгани қақрилувчиларни танлов асосида саралаб олишни юксак даражада ташкил этиш имконини бермоқда.

**Роман БОНДАРЧУК, ЎзА мухбири**

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида «Келажак овози» ахборот хонаси ташкил этилди.**

**Ўқув муассасаларида**

**ТАЛАБАЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК**

Мазкур ахборот хонасининг очилиш маросимида университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, «Келажак овози» ЁТМнинг иқтидорли ва фаол ёшлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ёшларга қаратилган ижтимоий лойиҳалари ва йўналишлар тақдироти ўтказилиб, талабаларга батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, талабалар учун қулай тарзда интернет манбаларидан фойдаланиш, керакли маълумотларни глобал тармоқдан топиш ва ахборотни тезкор тарзда жўнатиш имкониятларини яратиш мақсадида бепул Wi-Fi худудлари ҳам ташкил этилди.

— «Келажак овози» ахборот хонаси ҳамда Wi-Fi худудларидан фойдаланиб талабалар Фонд Форум ва марказимиз, улар амалга ошираётган

лойиҳалар ҳақида ўзлари таълим олаётган олийгоҳларини тарқатмасдан туриб батафсил маълумот олишлари мумкин, — дейди «Келажак овози» ЁТМ волонтери Феруза Алиқуллова. — Жумладан, турли танлов, грант ва стипендиялар ҳақида маълумот олиш, ҳар хил мавзулардаги семинар-тренингларда иштирок этишдан ташқари, марказдаги хоҳлаган йўналишни танлаб аъзо бўлган ҳолда талаба-ёшларга қаратилган турли тақдимот, акция ва қизиқарли лойиҳаларни ҳаётга таътиқ этиш имкониятига эга бўлишди.

Ҳозиргача юртимизнинг 40 та олий таълим муассасалари ана шундай ахборот хонасида ташкил этилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси**

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш» инвестиция лойиҳаларини таътиқ қилиш ишлари олиб борилмоқда.**

**Алоқа**

**ТАЖРИБАЛИ ХОДИМЛАР КУМАГИДА**

Бу жараёнда «Телеком қурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Корхонанинг ускуналарни демонтаж қилиш бўлими фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Тошкент шаҳар телефон тармоғида олиб бориладиган ишлар ўз ижобий натижасини бераётир. Айни пайтда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалига тегишли янгитдан қурилиши керак бўлган АТСларнинг аксариятида ушбу ишлар режа асосида амалга оширилди.

Корхонада ходимларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун барча техник ва моддий шарт-шароитлар яратилган. Махсус кийим-кечаклар, иш қуролилари билан таъминлаб борилади. Масъулияти чекланган жамиятда рангли металллар сақланиши сабабли хавфсизлик масаласига жиддий эътибор қаратилади. АТС платаларини қисмларга ажратиш вазифи эса моҳир ва тажрибали ходимларга ишониб топширилган.

**Акбар АЛИЕВ**

**Ўзбекистон — пилла етиштириш бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан. Дунёда ипак матоларга талабнинг тобора ортиб бораётгани соҳани янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.**

**Қарор ва ижро**

**ИНТЕНСИВ КЎЧАТ — ЮКСАК САМАРА ВА СИФАТ**

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатга кўра, кейинги йилларда янги тутзорлар ташкил этиш ва жаҳон бозори талабларига мос ипак қурти зотларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, олимларимиз томонидан ипак қуртининг ўнга яқин зот ва дурагайи, тутнинг тўққизта нав ва дурагайи яратилиб, Давлат реестрига киритилди. Тутнинг «Ўзбекистон», «Жарариқ-6», «Жарариқ-7» каби навлари, «Сурх-тут», «Топкросс-3» каби дурагайлари шулар жумласидандир.

Бу борадаги изчил ишлар самарасида ҳосилдорлик бир мунча ошмоқда. Масалан, илгари тут плантацияларида бир гектардан 8-10 тонна ҳосил олинган бўлса, янги навларда бу кўрсаткич 13 тоннани ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда 25 минг тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси — пилла тайёрланади. Бир қути курт пилла ўрагунча ўрта ҳисобда 1-1,2 тонна барг талаб этилади. Бу микдор курт боқиш мавсумига, баргнинг тўйимлигига қараб ўзгариши мумкин. Баргида оқсил, карбонсув, дармондори ва бошқа озука элементлари қанча кўп бўлса, у шунча тўйимли бўлади.

Мавсумда озука танқислигининг олдини олиш мақсадида 80 миллион якка тут қатори ва

52 минг гектар тутзорда баҳорги юмушлар, агротехника тадбирлари бошлаб юборилди. 16 миллион донна тут кўчатлари экиш учун тайёрлаб қўйилди.

Бундан ташқари, Хитойдан интенсив технологияга асосланган тут кўчатлари олиб келинмоқда.

— Жорий йилда 1 минг 40 гектар ерда интенсив тутзор барпо этиш мақсадида, — дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қаҳҳор Явқочдиев. — Март ойига қадар Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида Хитойдан олиб келинган интенсив тут кўчатларини экиш бошланади. Шу мақсадда пахта қабул қилиш пунктлари ёнида ер майдонлари ажратилмоқда. Бу тутнинг афзалликлари жуда кўп: иккинчи йилдан ҳосилга қиради ва бир йилда икки марта ҳосил беради, кўчатларининг 90х90 сантиметр оралиқда экилиши агротехник ишлов бериш учун қулайдир. Гектарига 12 минг 321 донагача ниҳол экилади, ҳар гектардан олинандиган 20-25 тонна барг бир тонна пилла етиштириш имконини беради.

Истикболда пиллачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқларининг ҳар бирида камида бир гектар майдонда ана шундай ҳосилдор тут кўчатларини экиш мўлжалланмоқда. Бу жаҳон бозори талабларига мос ипак толаси тайёрлаш имконини янада кенгайтиради.

**Сайёра ШОЕВА**

**ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АСРАШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ АМЕРИКАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ**

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қаратиладиган эътибор ҳамда бу йўналишда олиб бориладиган ислохотлар ўз натижасини бермоқда, — деди у.

Ялпи мажлис чоғида жамият пойдевори саналмиш оилани мустаҳкамлаш, кўҳна урф-одатларни асраб-авайлаш, фарзандларнинг комил инсон бўлиб тарбияланиши масалаларини қамраб олган баҳс-мунозаралар чоғида «Global Family Policy Forum 2013» иштирокчилари Ўзбекистонда миллий аъналарни тиклаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар билан таништирилди. Эътироф этилганидек, айнан оилада инсоннинг хулқ-атвори шаклланиб, ички дунёси бойиб боради. Оила инсоннинг ижтимоий ва ижодий фаолигини рағбатлантиради, баркамол авлоднинг шаклланишига хизмат қилади.

Баҳс-мунозараларда сўзга чиққан **аризоналик адвокат А. Шмейсер** Ўзбекистонда оилавий кадриятлар ва замонавий демократик давлат хусусиятлари уйғунлашиб кетганини қайд этди.

— Мамлакатингиздаги оилаларда маданий қадриятлар асраб-авайлаб келинмоқдаки, бу омил оилаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, — деди у. — Айниқса, фақат Ўзбекистонгагина хос бўлган «маҳалла» институти ҳамда унинг баркамол авлодни тарбиялаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ҳақидаги маълумотлар бизда катта таассурот қолдирди.

Тақдимот якунида унинг иштирокчилари томонидан 2012 йилда ҳаётга таътиқ этилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури Ўзбекистонда изчил равишда амалга ошириладиган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантиқий давоми бўлгани ҳамда 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши ва бу йўналишдаги ишларнинг давом эттирилиши оила институтининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши тўғрисида яқдил фикрлар билдирилди.

**«Жаҳон» АА**

**АВИАЦИЯ СОҲАСИДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИК**

**Асосий авиация йўналишлари бўйича ва айниқса, ҳаводаги ҳаракатни бошқаришга доир илмий изланишлар ўз самарасини бермоқда. Тошкент Давлат техника университети самолётсозлик факультетида амалга ошириладиган бу каби тадқиқотлар ходимларнинг илмий-техник салоҳиятини ошишига хизмат қилмоқда.**

Олий ўқув юрти ахборот марказидан маълум қилинишича, ўқув, илмий, техник ва услубий ишлар ўз ишлаб чиқариш тажрибасига суюнган ҳолда олиб борилиб, мутахассисликни амалий мисоллар билан бойитишга эришилмоқда. Кейинги йилларда ўтказилган анжуманлардаги маълумотларнинг мазмунига кўра, асосий эътибор ҳаводаги ҳаракатни бошқаришнинг илмий методологиясини тақомиллаштиришга қаратилган ҳар бир объектга тизимли ёндошув нуқтаи назардан текширишга йўналтирилган бўлиб, бу фанларни ҳажм жиҳатидан кенгайтириш ҳамда ушбу машғулотларни мутахассислар олиб бориши мақсадга мувофиқдир деб ҳисобланмоқда.

Факультетнинг Япония ва Жанубий корейлик кўнгилли мутахассислар билан ҳамкорлиги ҳам яхши самара бермоқда.

**Экология**

**ЁШ ЭКОМУХБИРЛАР ДАВРАСИДА**

**Кейинги йилларда экологик тарбияга эътибор янада кучайди. Ушбу таълимий йўналишнинг муҳим томонларини ёритувчи қатор тўпламлар ҳам чоп этилди.**

«Ёш экомухбирлар учун қўлланма»да эса иқтидорли ёшлар билан олиб бориладиган ижодий ишлар услубияти кенг ёритилди. Синфдан ташқари олиб бориладиган ўқув машғулотлари самаралари экологик клублар мисолида ёритилганлиги қўлланманинг янада мазмунли бўлишини таъминлади. Айниқса, экомактаб клуби фаолиятига эътибор қаратилди.

Ушбу нашр ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада чоп этилиб, шу соҳа билан шуғулланаётган мактабдан ташқари тарбия муассасаларида тарқатилди. Шу асосда «Ёш экомухбирлар учун қўлланма» нашри бўйича таниқли экологик таълими билимдонлари давраларида суҳбатлар уюштирилди.

**Озод АББОСОВ**

**Транспорт**

**АВТОМОБИЛСОЗЛИК СОҲАСИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА**

**Ҳар бир соҳага, хусусан автомобилсозлик тармоғига ҳам пухта билимга эга, зукко ва тадбиркор мутахассислар керак. Тошкент Автомобиль ва йўллар институти ҳам ана шундай иқтидорли талаба-ёшларни етказиб бермоқда.**

Таъкидлаш жоизки, ўзбек автомобилли намуналарини яратишга олий ўқув юртида дадил киришилган эди. Кўп йиллик изланишлар маҳсули сифатида «Сино» деб номланган ўзбек енгил автомашинаси лойиҳаси юзга келди. У барча қўлайликларга эга бўлиб, мутахассислар эътиборини ўзига тортиди.

Ихчам кўринишга эга бўлган бу транспорт воситасини йиғиш ишлари ҳам амалга оширилди. Бундан илҳомланган конструкторлар фермерлар учун мўлжалланган автомобилни яратишга қўл урдилар. «УАЗ-Фермер»

деб ном олган бу транспорт воситаси ҳам ижобий баҳоланди. Деҳқон хўжалиқларида ундан моҳирлик билан фойдаланишга киришилди. Энг муҳими, ишлаб чиқариш жараёнларида «УАЗ-Фермер» жуда қўл келади. 100 километр масофага 8 литр дизель ёқилғиси сарфлайдиган бу автомобиль 1,5 тонна юкни ташиш қувватига эга. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда автомобилсозлик соҳасини ривожлантиришда институт профессор-ўқитувчиларини муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар

**Анвар ВАЛИЕВ**





**Кеча Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Савдо-саноат палатаси қошидаги «SSP Exprocontact» МЧЖ ҳамкорлигида «Таълим ва мутахассислик — 2013» VIII Халқаро кўргазмаси очилди.**

**Кўргазмалар**

**ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК**

Саккизинчи мартаба ўтказилаётган мазкур кўргазма касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактаб битирувчиларини мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига йўналтириш ва улардаги мутахассисликлар билан таништириш, ёшларга касб танлаш имкониятини яратиш ва таълим соҳасида улар учун яратилаётган имкониятларни тарғиб қилиш, иш ўринлари ҳақида маълумотлар бериш ва тадбиркорлик соҳаларига жалб қилиш мақсадида ташкил қилинди.

Айтиш керакки, «Таълим ва мутахассислик — 2013» Халқаро кўргазмаси юртимизнинг таълим ва кадрлар

тайёрлаш тизимидаги энг катта касбий лойиҳасидир. Ўтган йиллар давомида бу кўргазма республикаимиздаги олий таълим муассасалари, академик лицейлар ҳамда чет эл таълим даргоҳларини ўз атрофида бирлаштирди.

Кўргазма доирасида ёшларга нафақат юртимиздаги, балки қатор хорижий давлатларнинг ўқув муассасаларидаги ўқитиш тизими тўғрисида маълумотлар берилди.

— Бу йилги кўргазманинг олдингилардан фарқи шундаки, — дейди Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ менежери Малика Раҳимжон-

ва, — унда нафақат маҳаллий олий таълим муассасалари ёки хорижий ўқув юртлири филиаллари, ўқув марказлари, шу билан бирга мамлакатимиздаги мавжуд йирик корхоналар ва ташкилотлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг шаҳардаги бандликка кўмаклашиш марказлари ҳам ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этишмоқда. Кўргазма доирасида ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари ва таълим жараёнидаги энг сўнги ютуқлар билан танишишлари мумкин.

Дарҳақиқат, ёшларнинг ўзлари истаган касбларини танлашларига кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига жалб қилиш «Обод турмуш йили»даги бирламчи вазифалардан саналади.

Кўргазма доирасида «Камолот» ЁИХ, Савдо-саноат палатаси ва айрим тижорат банклари томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдиротлари ҳам ўтказилади.

Кўргазма 21 февралгача давом этади.  
**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТЛАРДА: «Таълим ва мутахассислик — 2013» Халқаро кўргазмасидан лавҳалар**  
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

**ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ЛИБОСЛАР**

Ёш авлоднинг кадрлари-мизга ҳурмат руҳида тарбиялашда миллий либослар ҳам муҳим ўрин тутди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган «Хонатлас» лойиҳаси, «Асрлар садоси», «Болажонлар — ширинтойлар», Миллий либослар фестиваллари, санъат ҳафталиклари, ёш дизайнер ва модельерлар кўрик-танловлари бу борадаги ишларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жамғарма ва ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган «Тикланиш» лойиҳаси мамлакатимиз худудларининг турли даврларга хос либосларини ўрганиш, тиклаш ва санъат ихлос-

**Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Meros» Ўзбекистон антикварлари уюшмаси ҳамкорлигидаги «Тикланиш» лойиҳаси доирасида анъанавий либослар кўргазмаси бошланди.**

мандлари эътиборига ҳавола этишга қаратилган. Ушбу ишлар самарасида ташкил этилган кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг XIX асрга хос тўй либослари намойиш этилмоқда.

— Экспозицияни яратиш жараёнида бир неча этнографик экспедициялар ўтказилиб, тарихий, адабий асарлар пухта ўрганилди, —

дейди «Дом стиля» модальери уйи дизайнери Саодат Муроджўжаева. — Кўргазмадаги тўпламни яратишда этнограф, санъатшунос олимлар, расм ва модельерлар, чеварлар, пойабзал усталари, дизайнерлар фаол иштирок этди. Либослар қадимий бичим ва андозалар асосида миллий матолардан тикилди.

**Назокат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**



Айло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

**Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ёнғин хавфини олдини олиш ва унга қарши курашдир. Инсоннинг ҳаётини фаолиятини таъминлаб берувчи юқори даражали телекоммуникация ва автоматлаштирилган техник воситалар билан жиҳозланган биноларнинг ёнғин хавфсизлиги масалалари жуда катта аҳамиятга эга.**

**«101»**

**АВТОМАТИК ЁНҒИН ХАБАРЛОВЧИЛАРИ — МУҲИМ ВОСИТА**

Бундай техник воситаларнинг ишончлилиги, кўп муддат давомида хизмат кўрсатиши, шунингдек, бинонинг тўлиқ автоматлаштирилган бошқарув тизимининг самарадорлиги уларни малакали ишлатишга боғлиқдир.

Агар ёнғин чиқиш сабаблари статистикасига мурожаат қилсак, куйидагиларни кўриш мумкин: Чекиш пайтида эҳтиётсизлик туфайли — 40 фоиз, электр ускуналари ва электр симлари носозлиги боис — 20 фоиз, болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида тахминан — 10 фоиз ёнғинлар юз беради. Ёнғинни тез ва самарали ўчириш асосан, унинг аниқланиш реакцияси тезлигига, ёнғинни локализация қилишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг зудлик билан бажарилишига боғлиқ. Ёнғинларнинг ривожланиш динамикаси куйидагиларга:

- бинонинг конструктив хусусиятларига;
- ёнғувчан ва портлаш хавфи бўлган моддаларнинг ҳажмига;
- хонадондаги (бинодаги) одамлар сонига ва уларнинг ёнғинга қарши чора-тадбирларни белгилашга тайёргарлик даражасига;
- ёнғиндан хабарловчи тизимларнинг, автоматик ўт ўчириш қурилмалари ва одамларни огохлантириш тизимларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида тилга олинган омилларнинг барчаси ёнғин хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ёнғинга қарши қўлланилган чора-тадбирлар ёнғиннинг бошланғич 10 дақиқа ичидаги даврида самарали кучга эгадир. Шунинг учун жойларда замонавий ва ишончли ёнғинга қарши сув ҳавзаларини назорат қилиши ва бошқариб борилишини;

- автоматик ёнғин хабарловчилари билан жиҳозланиши;
- тутунни суриб ташлаш ва ортиқча ҳаво босимининг яратилиши;
- ёнғинни фаол ўчириши;
- ёнғинга қарши сув ҳавзаларини назорат қилиши ва бошқариб борилишини;
- лифтларни назорат қилиш ва бошқариши;
- захира эшикларининг очилишини таъминлаши;
- одамларни ёнғин ҳақида огохлантиришни таъминлаши жоиз.

Бир сўз билан айтганда, ёнғинни тезкор аниқлаш, уни локализация қилиш ва ўчиришда автоматик ёнғин хабарловчилари катта аҳамиятга эга.

**К. ЮДАШЕВ,**  
**20-ХЕҲК кичик инспектори, сафдор**

**Мутахассис маслаҳати**

**ЎЗ ВАҚТИДА ШИФОКОРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ**

**Кутуриш касаллиги ўта хавfli юқумли хасталик бўлиб, у билан одамлар ва ҳайвонлар касалланади. Ушбу касалнинг кўзгатувчиси вирус ҳисобланади. Вирус табиатда иссиқ қонли ҳайвонлар танасида яшайди.**

Кутуриш касаллиги юққан ит ёки бошқа ҳайвонлар жуда ҳам хажлдор ва қопагон бўлиб қолади.

Одам танасининг тишланган жойида кутурган ҳайвоннинг сўлаги орқали вируснинг организмга ўтиши натижасида кутуриш касаллиги юқди. Вирус қон орқали инсоннинг бош миёсига етиб келиб кўпая бошлайди. Баъзи ҳолларда кутурган ҳайвонлар сўлаги кичкина тирналган терига тушса бас, касаллик юқаверади.

Вирус одам танасига киргандан то касаллик аломатлари бошлангунча 2 ҳафтадан 6 ойгача ва ундан кўпроқ вақт ўтиши мумкин.

Вирус одамнинг бош ва орқа миёсига кириб, оғир мия шамоллашига олиб келади ва 100 фоиз ўлим билан тугайди.

Шунинг учун кутуриш касаллиги юққан одам, ҳайвон томонидан тан жароҳати етказилганда зудлик билан врачга мурожаат қилса, кутуришга қарши ўз вақтида эмланса, унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Кутуриш касаллигининг олдини олиш чораларидан бири — дайди ит ва мушукларни туттишдир. Чунки, Тошкент вилояти худудларидаги

ёввойи тулки, бўрилар кутуриш касаллигининг табиий манбаларидан бўлиб, дайди ит ва мушуклар орқали улар хавfli хасталикни Тошкент шаҳридаги уй ҳайвонларига юқтиришлари мумкин.

Уй ҳайвонларини кутуриш касаллигидан сақлаш учун «Ҳайвонларни сақлаш қоғдалари»ни билиш ва унга риоя қилиш лозим. Итларни уйда боғлиқ ҳолда, кўчага чиққанда эса махсус ниқоб ва етаклаш учун арқон билан туттиш керак.

Энг муҳими, уй ҳайвонларини кутуришга қарши хар йили ўз вақтида эмлатиш керак. Одамларни бу касалликдан сақлашда эса ҳайвонлардан тан жароҳати олганда ўз вақтида кутуришга қарши эмланиш асосий омил ҳисобланади. Агар кутуриш хасталигига чалинган киши ўз вақтида врачга мурожаат қилмаса, эмлаш тартиби ва талабини бузса (спиртли ичимлик истеъмол қилиш) охири ачинарли ўлим билан тугайди.

Бу борада албатта шифокор маслаҳатини бажаринг.

**Вазира МУТАЛОВА,**  
**Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокор ўринбосари**



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ**

**Биров фикр беради, биров амалга оширади.**

\*\*\*

**Бахиллик бор жойда аҳиллик бўлмайди.**

\*\*\*

**Ўз қадрини билмаган назардан қолади.**

\*\*\*

**Биров қилган ишни ўзиники қилиб кўрсатишни ҳамма ҳам яхши кўради.**

\*\*\*

**Ҳар жойнинг ўз эгаси бор.**

\*\*\*

**Кўп гапирган кам иш қилади.**

\*\*\*

**Ёмон феъли кишининг йўлини боғлайди.**

\*\*\*

**Эртани кутиб яшаган бахтлидир.**

\*\*\*

**Дилни бир сўз яралар.**

\*\*\*

**Тафаккур ёғдуси дилни ёритади.**

\*\*\*

**Йўллар гоҳ кесишиб, гоҳ ажрашиб кетаверади.**

\*\*\*

**Бу дунёда ўзининг оғирлигининг бировга туширмай яшашдан эзгу иш йўқ.**

\*\*\*

**Ўз аравасини ўзи тортган одам бахтли.**

\*\*\*

**Танлаган йўлингдан адаштирамансин.**

\*\*\*

**Ким яхшиликка сабаб бўлади, ким ёмонликка.**

\*\*\*

**Бировнинг миннатини кўтаргандан тоғни кўтарган афзал.**

\*\*\*

**Меҳнатнинг нони ширин, лекин қаттиқ.**

\*\*\*

**Меҳнатнинг миннати йўқ.**

\*\*\*

**Молини қизганган жонини фидо қилолмайди.**

\*\*\*

**Ота-онанинг ҳақини адо этмай туриб фарзандлик ҳақини талаб қилиш уят.**

\*\*\*

**Ҳасислар ҳамиша охир-оқибат ютқишишган.**

\*\*\*

**Ёмонлик дардига даво йўқ.**

(Давоми бор)

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**



**Ўзгидромет**  
**ХАБАР ҚИЛАДИ**  
Тошкент шаҳрида 21 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ётади. Фардан сечкундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража илқ, кундузи — 9-11 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 21 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

**Тошкент ОҚШОМ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълолар: 233-28-95,  
236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13549 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кучаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г - 241

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.40